

**ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРНИНГ КРЕДИТ ВА ҚАРЗ  
МАБЛАҒЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ ҲАМДА  
АҲАМИЯТИ**

*Маҳмудова Гўзал Самадҷон қизи*

*ТДИУ, “Молиявий таҳлил” кафедраси катта ўқитувчиси*

*G-mail: [makhmudova.g.s@gmail.com](mailto:makhmudova.g.s@gmail.com)*

**Аннотация:** Мазкур мақолада хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий фаолият юритиши натижасида юзага келадиган кредит ва қарз маблағлари билан боғлиқ иқтисодий муносабатларнинг моҳияти ва аҳамияти очиб берилган.


**Калит сўзлар:** кредит, қарз, кредитга лаёқатлилиқ, кредит ва қарз миқдори, кредитдан фойдаланиш самарадорлиги, қарз олувчи, қарз берувчи, самарали фоиз ставкаси.

Жаҳонда пандемия давридан кейинги иқтисодиётда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг қайта тикланиши, ривожланиши ва самарадорлигини оширишга тўсқинлик қиладиган молиявий муаммолар келиб чиқмоқда. Уларнинг молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжларини молиялаштиришда барқ кредитлари ва қарз маблағлари муҳим ўрин тутди. Дунё иқтисодиёти тажрибасига кўра хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти узлуксизлиги ва ривожланишида кредит ва қарз муносабатлари муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда, шу билан бир қаторда, банк кредитларидан фойдаланиш кўлами ҳам кенгайиб, ортиб бормоқда. Ушбу жараёнда асосий вазифа кредит ва қарз маблағларидан иқтисодий самара олиш ҳисобига ўз вақтида қайтаришдир. Бу эса, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида кредит ва қарз маблағлари ҳисобини тўғри юритиш ва у билан боғлиқ муносабатларни кенг кўламда молиявий таҳлил ўтказишни тақозо этмоқда.

Республикамиз иқтисодиётида хўжалик юритувчи субъектларни кўпайтириш ва янада ривожлантириш мақсадида кредит муносабатлари бўйича самарали ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда хўжалик юритувчи субъектлар ўз фаолиятларини банк кредитлари ҳисобига молиялаштиришлари ва ундан иқтисодий самара олиш ҳисобига мулкӣ қийматликларини янада оширишларига бўлган қизиқишлари тобора ортиб бормоқда. Натижада, тижорат банклари томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий маблағларга бўлган эҳтиёжини банк кредитлари ҳисобига қопланиши йилдан йилга ўсиб бормоқда.

Тижорат банклари томонидан хўжалик юритувчи субъектларга ажратилган кредит ҳажмининг йилдан-йилга ўсиш тенденциясини қуйидаги расмда кузатишимиз мумкин (1.1-расм).

# BARQAROR IQTISODIY O‘SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI



**1-расм. Тижорат банклари томонидан ажратилган кредитлар динамикаси(млрд.сўмда)<sup>1</sup>.**

1-расм маълумотлари асосида таҳлил қиладиган бўлсак, республикада тижорат банклари томонидан ажратилган жами кредит миқдори 2023-йилга келиб 2018-йилга нисбатан 2,2 баробарга, шундан юридик шахслар учун ажратилган кредитлар ҳажми эса 1,6 мартага ошганини кўришимиз мумкин. 2022-йилга нисбатан олиб қараганимизда эса 2023-йилнинг 11 ойида жами кредит миқдори 11,4 % га ўсганини, юридик шахслар учун ажратилган кредитлар ҳажми эса 4,3 % га камайганини кўришимиз мумкин. Умуман олганда, йиллар кесимида бўйича солиштирадиган бўлсак, жами кредит ҳажми ҳам, жумладан, юридик шахслар учун ажратилган кредит ҳажми ҳам мунтазам ўсиш тенденциясига эга эканлигини кўришимиз мумкин, фақатгина 2020-йилда глобал пандемия даврида бироз пасайиш кузатилганини кўришимиз мумкин.

2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида “иқтисодиёт тармоқларида барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш” вазифаси юклатилган. Хўжалик юритувчи субъектларнинг барқарор юқори ўсиш суръатини таъминлаш молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжни ўз вақтида ва тўлиқ қопланишига боғлиқдир. Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёж асосан банк кредитлари ҳисобига қопланиб келинмоқда. Банк

<sup>1</sup> <http://www.cbu.uz> - Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий веб-сайти.

кредитлари жалб қилишда хўжалик юритувчи субъектлар олдида турган муҳим вазифалардан бири кредитдан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш ҳисобланади. Хўжалик юритувчи субъект молиявий имкониятидан юқори миқдорда кредит жалб қилиши кредитни ўз вақтида ва тўлиқ қайтара олмасликка ҳамда молиявий аҳволи нобарқарорлашишига олиб келади. Бундан кўринадики, хўжалик юритувчи субъект молиявий имкониятидан келиб чиқиб кредит жалб қилишидан иқтисодий самара олиш ҳисобига молиявий барқарорлиги яхшиланишига олиб келади.

Хўжалик юритувчи субъектлар ва банк ҳамда қарз берувчилар ўртасида бўладиган кредит ва қарз муносабатларида икки томон манфаатларини ҳисобга олган ҳолда аниқ тартиб ва таомилларни белгилаш муҳим масала ҳисобланади.

Хўжалик юритувчи субъект томонидан - олинган кредит ва қарз маблағларидан мақсадли фойдаланиш ҳисобига кредит ва қарз суммаси, фоизини ўз вақтида тўлаш ҳамда иқтисодий самара олишга эришиш ҳисобланади.

Банк ёки қарз берувчи томонидан - кредит ва қарз рискин аниқ белгилаш, рискларни имкон қадар пасайтириш орқали юқори ликвидлик ва барқарорликка эришиш масаласига алоҳида аҳамият қаратилади.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредит ва қарз маблағлари ҳисоби ҳамда таҳлилини тўғри амалга ошириш хўжалик юритувчи субъект учун ҳам қарз берувчилар учун ҳам ҳар доимгидан кўпроқ муаммоли мавзуга айланмоқда. Негаки, кредит ва қарз маблағлари ҳисоби ҳамда таҳлилини тўғри юритиш шунчаки, оддий ҳисоб-китоблар орқали амалга ошириладиган жараён эмас, балки хўжалик юритувчи субъект учун энг муҳим эътибор ва юксак молиявий билим талаб қиладиган молиявий жараён ҳисобланади.

Кредит ва қарз маблағларининг моҳияти тўғрисида ўтган асрлардан тортиб, шу давргача амалга оширилган жуда кўп тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, турли давр ва адабиётларда кредит ва қарз маблағларининг моҳиятига турлича қарашлар ва турли талқиндаги таърифлар берилганини кўришимиз мумкин. Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредит ва қарз маблағлари ҳисоби ҳамда таҳлили методологик асосларини ўрганиш хорижий ва республикамиз иқтисодчи олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар, илмий асарлар, рисоалар ва мақолаларда ҳам ўз аксини топган. Хусусан, улар қаторига И.Н.Олейникова, А.С.Выскребенцева, И.В.Андрющенко, А.С.Тепляковалар каби таниқли хорижий олимларни киритишимиз мумкин.

И.Н.Олейникова ўз асарларида “Кредит – бу пул ёки товар шаклидаги ссуда бўлиб қайтиб бериш шарти асосида одатда фоиз тўлови асосида берилади”<sup>2</sup> деган таърифни келтиради. Аммо, бизнинг фикримизча

<sup>2</sup> Олейникова И.Н. Финансы, денежное обращение и кредит. Таганрог, ТРТУ. 1996. 98б.

кредитнинг қайтарилиши ва фоиз тўловидан ташқари ҳам бошқа хусусиятлари мавжуд.

Масалан, А.С.Теплякованинг фикрича: “Қарз маблағларини жалб қилишга зарурият корхонанинг энг актив ликвид активларининг вақтинча танқислиги, хомашё, материаллар, сотиш учун товарлар ва асосий ишлаб чиқариш фондларини сотиб олиш сабабли пайдо бўлади”<sup>3</sup>.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Э.А.Акрамов, А.А.Каримов, А.К.Ибрагимов, М.Қ.Пардаев, Ш.З.Абдуллаева, М.Ю.Рахимов, Б.Н.Мўйдинов, А.Ж.Тўйчиев, С.К.Махмудов, А.Н.Ғулломхўжаев, Н.Н.Мавлоновлар томонидан корхоналарнинг кредит ва қарз маблағлари ҳисоби ҳамда таҳлилининг назарий ва услубий асосларини ривожлантириш муаммоларининг айрим жиҳатлари ўрганилган.

Иқтисодчи олим А.Тўйчиев: “Мажбурият дейилганда хўжалик юритувчи бир субъектнинг бошқа субъектга мол-мулкни топшириш, ишни бажариш, хизматлар кўрсатиш, пул тўлаш ва бошқа ҳаракат натижасида юзага келадиган ҳамда кейинги ўзаро ҳисоблашишларга асос бўлувчи ҳуқуқий муносабатлар” деб таъриф берган<sup>4</sup>.

Шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда кредит ва қарз мажбуриятларининг моҳиятини очиб беришга тегишли кўплаб қарашлар мавжуд. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган “Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асос”ида мажбуриятга куйидагича таъриф берилган: “Мажбуриятлар — шахснинг (қарздорнинг) бошқа шахс (кредитор) фойдасига муайян ҳаракат амалга ошириш, масалан, мол-мулкни топшириш, ишни бажариш, пул тўлаш ва бошқалар ёхуд муайян ҳаракатдан тийилиб туриш мажбуриятидир, кредитор эса қарздордан ўз мажбуриятларини бажаришини талаб қилишга ҳақлидир”<sup>5</sup>.

2021 йилда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан чоп этилган “Иқтисодий атамаларнинг қисқача изоҳли луғати” да кредит сўзига куйидагича таъриф берилган: “Кредит — қайтариб бериш шарти билан, кўп ҳолда қарздор қарздан фойдаланганлик учун фоиз тўлайдиган, кредитловчи томонидан қарздорга тақдим этиладиган пул ёки товар шаклидаги қарз”.

Хўжалик юритувчи субъектлар кредит ва қарз маблағлари жалб қилаётганда нафақат кредит ва фоиз суммасини банк ёки қарз берувчига қайтариб тўлашни, бундан ташқари, шу кредит ва қарз ёрдамида молиялаштириладиган фаолияти қанча иқтисодий самарадорликка эришишини олдиндан кўра билиши лозим. Агар биз бозор иқтисодиёти

<sup>3</sup> Теплякова Анна Сергеевна. Организация бухгалтерского учета и аудита займов и кредитов. Автореф. дисс. ... к.э.н. – Москва. 2005.

<sup>4</sup> А.Ж.Тўйчиев. “Мажбуриятлар бухгалтерия ҳисоби ва таҳлилининг назарий-методологик муаммолари”. Автореф. дисс. ... и.ф.д. – Тошкент. 2011

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг “Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун” Концептуал асоси. 14.08.1998й <https://lex.uz/docs/828557>

юқори ривожланган мамлакатларда кредитлаш ва лойиҳаларни молиялаштириш амалиётига эътибор берадиган бўлсак, бу мамлакатларда корхоналарга кредит беришдан олдин қўйиладиган маблағларнинг самарадорлиги ҳисоб-китоб қилиб чиқилади. Ҳар бир хўжалик юритувчи субъект учун кредит ва қарз маблағларидан фойдаланишда унинг самарадорлигига алоҳида эътибор бериш муҳимдир, чунки кредит ва қарз маблағларини жалб қилишнинг зарурий шартларидан бири самарадорлик ҳисобланади.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Олейникова И.Н. Финансы, денежное обращение и кредит. Таганрог, ТРТУ. 1996. 98б.
2. Теплякова Анна Сергеевна. Организация бухгалтерского учета и аудита займов и кредитов. Автореф. дисс. ... к.э.н. – Москва. 2005.
3. А.Ж.Тўйчиев. “Мажбуриятлар бухгалтерия ҳисоби ва таҳлилининг назарий-методологик муаммолари”. Автореф. дисс. ... и.ф.д. – Тошкент. 2011
4. Г.С.Маҳмудова. Хўжалик юритувчи субъектларнинг кредит ва қарз маблағларидан фойдаланиш самарадорлиги таҳлилини такомиллаштириш. “Яшил иқтисодиёт ва тараққиёт” журнали. №1, 2024.
5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг “Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этиш учун” Концептуал асоси. 14.08.1998й <https://lex.uz/docs/828557>
6. <http://www.cbu.uz> - Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий веб-сайти.
7. Yuldashevna, R. U. (2022). Monitoring of Credit Risks as Financial Resources In Commercial Banks. *International journal of trends in business administration*, 12(1).
8. Rozmatova Umida Yuldashevna. (2024). NOMODDIY AKTIVLAR AUDITINI TAKOMILLASHTIRISH. *World Scientific Research Journal*, 26(3), 177–184. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3261>
9. Rozmatova Umida Yuldashevna. (2023). IQTISODIYOTNI RIVOJLANISH ISTIQBOLLARIDA AXBOROT KOMMUNIKATSIYA TEXNOLOGIYALARINING ANAMIYATI . *World Scientific Research Journal*, 16(1), 20–22. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2693>
10. Mamatqulov A.X. (2022). Paxtani qayta ishlash korxonalarida ishlab chiqarish faoliyati bo'yicha xom ashyo va materiallar hisobini takomillashtirish. *Scientific Journal of "International Finance & Accounting*, Issue 6, December 2022
11. Рахимов, М. Ю., & Рузмаматов, А. К. (2024). Янги лойиҳалар бошқарувидаги иқтисодий дастакларни такомиллаштириш. *World scientific research journal*, 23(2), 362-375.
12. Raximov, M. Y. (2015). Iqtisodiyot subyektlari moliyaviy holatining tahlili. O ‘quv qo‘llanma. T.: “*Iqtisod-moliya*.”
13. Klichev, B. (2024, февраль 23). Inson kapitalini rivojlantirishda ishchilar harakati tahlili. Ilm-fan taraqqiyotida mintaqaviy iqtisodiyotni rivojlantirish va kambag'allikni qisqartirish, Farg'ona, O'zbekiston. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10901976>
14. Чориев И.Х. (2023). Молиявий ҳисоботлардаги хатоликларни аниқлашда таҳлилий амаллардан фойдаланишнинг услубий жиҳатлари. *Scientific Journal of "International Finance & Accounting*, Issue 1, February 2023..
15. Қличев, Б. (2021, май 21). Маҳсулот (иш, хизматлар) га баҳо шакллантириш масалалари. Бухгалтерия ҳисоби ва аудиторлик фаолиятини халқаро стандартлар асосида ташкил этишнинг долзарб масалалари. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10647005>

## BARQAROR IQTISODIY O‘SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI

16. Сагдиллаева, З. А., & Файзиев, У. Ш. (2023). АНАЛИЗ И ОЦЕНКА ФИНАНСОВОГО ПОЛОЖЕНИЯ ПРЕДПРИЯТИЙ. In *Бухгалтерский учет, анализ и аудит: история, современность и перспективы развития* (pp. 201-207).
17. Қличев, Б. (2021, май 21). Ўзбекистонда ишбилармонлик фаоллиги таҳлилини ташкил этиш. Бухгалтерия ҳисоби ва аудиторлик фаолиятини халқаро стандартлар асосида ташкил этишнинг долзарб масалалари.  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.10646960>
18. Рахимов, М. Ю., Мавланов, Н. Н., & Каландарова, Н. Н. (2022). Экономический анализ. Учебник. Т.: «Экономика-Финансы».
19. Қличев, Б. (2021, май 5). Ишбилармонлик фаоллиги индекси таҳлили. *Biznes-tahlilni rivojlantirishning zamonaviy tendensiyalari va istiqbollari*.  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.10647021>
20. Чориев И.Х. (2023). Молиявий инвестициялар ҳисобини такомиллаштириш. *Scientific Journal of "International Finance & Accounting, Issue 2, April 2023*.
21. Қличев, Б. (2022, сентябрь 16). Операцион фаолият таҳлилида харидор танлови асосида маҳсулотга баҳо шакллантириш масалалари. Инновацион ёндашув асосида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий этиш.  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.10647059>
22. Mamatqulov A.X. (2024). Qayta ishlash korxonalarida ishlab chiqarish hisobi va tahlilini takomillashtirish. *Jahon ilmiy tadqiqot jurnali*, 26(3), 132–140.  
<http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3256>
23. Сагдиллаева, З., Чориев, И., Максмутов, А., & Юлдашева, Ю. (2007). Экономический анализ.
24. Қличев Бахтиёр Пардаевич. (2024). Ишчилар қўнимсизлиги таҳлили. *World Scientific Research Journal*, 23(2), 287–294. Retrieved from  
<http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3042>
25. Pardayevich, K. B. (2022). ANALYSIS OF PRODUCT PRICING BASED ON PRODUCT PARAMETERS AND CUSTOMER CHOICE. *Journal of new century innovations*, 6(1), 67-79
26. Mamatqulov A.X. (2023). Paxtani qayta ishlash korxonalarida xarajatlarini boshqarish va hisobga olish usullari. *Moliya ilmiy jurnali*, 3-son.
27. Mamatqulov A.X.(2023). Paxtani qayta ishlash korxonalarida ishlab chiqarish xarajatlari bo‘yicha tannarxni hisoblash usullarini takomillashtirish  
[https://gospodarkainnowacje.pl/index.php/issue\\_view\\_32articleview1910](https://gospodarkainnowacje.pl/index.php/issue_view_32articleview1910)